

Ўзбекистон Республикаси

70311001 - Социология (йўналишилар бўйича) мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳукуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/п			бет
1.	<i>70311001 - Социология (йўналишилар бўйича) мутахассисликларининг умумий тавсифи</i>	магистратура	4
1.1.	<i>Кўлланиш соҳаси</i>		4
1.1.1.	<i>70311001 - Социология (йўналишилар бўйича) мутахассисликлари малака талабининг қўлланилиши</i>	магистратура	4
1.1.2.	<i>Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари</i>		4
1.2.	<i>70311001 - Социология (йўналишилар бўйича) мутахассисликлари бўйича магистрлар касбий фаолиятлари тавсифи</i>		4
1.2.1.	<i>70311001 - Социология (йўналишилар бўйича) мутахассисликлари бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари</i>		4
1.2.2.	<i>70311001 - Социология (йўналишилар бўйича) мутахассисликлари бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари</i>		5
1.2.3.	<i>70311001 - Социология (йўналишилар бўйича) мутахассисликлари бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари</i>		5
1.2.4.	<i>70311001 - Социология (йўналишилар бўйича) мутахассисликлари бўйича магистрларнинг касбий вазифалари</i>		5
2.	<i>70311001 - Социология (йўналишилар бўйича) таълим мутахассисликлари бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар</i>		7
2.1.	<i>Умумий компетенциялар</i>		7
2.2.	<i>Касбий компетенциялар</i>		7
	<i>Библиографик маълумотлар</i>		8
	<i>Келишув вараги</i>		9

1. 70311001 - Социология (йўналишилар бўйича) магистратура мутахассисликларининг умумий тавсифи

70311001 - Социология (йўналишилар бўйича) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи кундузги таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Кўлланиш соҳаси

1.1.1. 70311001 - Социология (йўналишилар бўйича) магистратура мутахассисликлари малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 70311001 - Социология (йўналишилар бўйича) магистратура мутахассисликлари бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган баклавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 70311001 - Социология (йўналишилар бўйича) мутахассисликлари бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 70311001 - Социология (йўналишилар бўйича) мутахассисликлари бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

70311001 - Социология (йўналишилар бўйича) магистратура мутахассисликлари – “Ижтимоий ва хулқ атворга мансуб фанлар” таълим соҳасига оид мутахассислик бўлиб, у барча таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари, марказлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларда илмий тадқиқот фаолиятини юритиш, нодавлат ва нотижорат ташкилотларида, марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви органларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ижтимоий соҳага оид фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришга оид комплекс масалаларни ҳал этиш, шунингдек ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда социологик таҳлилни таъминлаш, истиқболини белгилашга, жамоатчилик фикрини ўрганиш касбий кўникмасига, мутасаддилик кобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 70311001 - Социология (йўналишилар бўйича) мутахассисликлари бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;
- Фанлар академияси ва тармок илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;
- давлат ва шахс ҳамда хўжалик фаолияти субъектларининг ижтимоий сўровлар билан таъминлаш, ижтимоий соҳадаги хуқук-тартибот ва қонунийликни таъминлаш жараёнлари;
- давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, ўзини ўзи бошқариш органларида, мудофаа ва хавфсизлик органларида бошқарув жараёнлари;
- социология соҳасида илмий ва амалий тадқиқот, назарий ва амалий таҳлил, моделлаштиришни амалга ошириш жараёнлари;
- ижтимоий-иктисодий жараёнлар ва ҳодисаларни, ижтимоий макондаги кўрсаткичларининг таҳлили жараёнлари;
- жамият, уни ташкил этувчи ижтимоий тизимлар, шахс, социал жамоа, синф ва гуруҳлар, ижтимоий институт ва ташкилотлар, социал ҳаракат, муносабат ва алоқалар, оммавий ва социал коммуникациялар, ижтимоий бошқарув, социал ҳодисалар ва жараёнлар, ижтимоий меъёrlар ва кишилар социал хулқ-автори, жамоатчилик фикри, ижтимоий-иктисодий санкциялар, таъқиқлар, чекловлар, жамиятнинг ҳаётий эҳтиёjlари, ижтимоий тизимнинг замонавий моделлари, ижтимоий-сиёсий табакаланиш; ижтимоий хавфсизлик, ижтимоий-иктисодий хавфсизлик, информацион-психологик хавфсизлик, ахборот хавфсизлиги,

1.2.3. 70311001 - Социология (йўналишилар бўйича) мутахассисликлари бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- Илмий-тадқиқот фаолияти;
- Ташкилий-бошқарув фаолияти;
- Педагогик фаолият - Олий, малака ошириши, қайта тайёрлаши таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълим тизимида педагогик фаолият (ўрнатилган тартибда);
- Хуқуқ-тартибот, мудофаа ва хавфсизлик фаолияти;
- Турли хизматлар кўрсатиш фаолият кабиларни ўз ичига олган.

Мутахассислик бўйича тайёрланган магистрлар касбий фаолиятларининг муйян турлари таълим жараёнининг манбаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. 70311001 - Социология (йўналишилар бўйича) мутахассисликлари бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

70311001 - Социология (йўналишилар бўйича) мутахассисликлари бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қуидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

Илмий - тадқиқот фаолиятида:

- социология мутахассисликларига мос фундаментал-назарий изланишлар асосида концептуал ишланмалар яратиш;
- социология мутахассисликларига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилиш;
- социологиянинг замонавий масалаларини ечиш учун янги технологиялар ва дастурлар пакетларини қўллаш;
- социология соҳасида ўтказилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари мавзуси бўйича моделлар, методлар, дастурий ечимлар, инструментал воситаларни тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш;
- илмий тадқиқотлар ташкил қилиш методологиясини билиш, тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш ва қайта ишлаш методикасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, илмий

тадқиқот натижаларидан фаолиятнинг тегишли соҳаларида фойдаланишга доир амалий тавсияларни ифодалай олиш ва тақдим қилиш;

–бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш ва илмий жамоани бошқаришни илмий асосда ташкил қила олиш;

–намунавий услублар ва бошқалар бўйича тажрибавий тадқиқотлар ўтказиш ва уларнинг натижаларини қайта ишлаш;

–илмий-техникавий ҳисоботлар тузиш;

–социология доирасида ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографиялар тузиш;

–илмий семинарларда иштирок этиш;

–илмий-техникавий мавзуларда журнallарга мақолалар тайёрлаш қобилиятига эга бўлиши керак.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

–e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишини ташкил қилиши ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш;

–таълим ва илмий фаолият сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга татбиқ қила олиш;

–таълим ва илмий жараёнларни амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнларини режалаштириш;

–замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган фаолият жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларидаги педагогик фаолиятда (ўрнатилган тартибда):

– ўқитишик методикасини эгаллаш;

– олий ва ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахаассислигига оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш;

– замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъянавий ўқув машғулотларини ўтказиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-услубий хужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

– ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларни ўтказиш учун ўқитишининг техник воситаларидан фойдаланиш;

– мустақил таълим ва ижодий изланиш натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги турли усуллар, воситалар ва бошқа соҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;

– табиий фанлар соҳаси учун ДТС, Малака талаблари, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Хукуқ-тартибот, мудофаа ва хавфсизлик фаолияти;

- қонунийлик ва хукуқ-тартиботининг ижтимоий таҳлили жихатларини таъминлаш, жамият, давлат ва шахс ҳамда мудофаа фаолияти субъектларининг социологик таҳлилини таъминлаш;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг хукуқ ва қонуний манфаатларини химоя қилишга кўмаклашиш;

- ижтимоий вазиятларга таҳдид солувчи омилларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

- ижтимоий соҳадаги жиноятлар ва қонунбузарликларни профилактика қилиш, огоҳлантириш ва аниқлашда иштирок этиш.

Турли хизматлар кўрсатиши фаолиятида:

- мутахассислик бўйича мавжуд ҳолатнинг аналитик шарҳини ишлаб чиқиш;
- мутахассисликка оид лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гурухларида иштирокчи сифатида қатнашиш;
- ихтисосликка мос мавзу бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиши қобилиятига эга бўлиши керак.

2. 70311001 - Социология (йўналишилар бўйича) таълим мутахассисликлари бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- ўз фаолиятида меъёрий-ҳукуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуслари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.
 - миллний маънавий ва умуминсоний қадриятлар бўйича ўз нуқтаи-назарини оғзаки ва ёзма баён этиши, миллний гоянинг назарий асосларни англаган ҳолда “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш” бош гоясининг моҳиятини ҳамда унинг асосий гоялар билан мутаносиблиги ва фарқини билиши;
 - табиат ва жамиятда юз бераётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, инсоннинг маънавий қиёфаси ҳақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятида ҳамда замонавий илмий тадқиқотларда фойдалана олиши;
 - шахснинг инсон, жамият, атроф-муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳукуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятида кўллай олиши;

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хulosалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳrir қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиш;

- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;
- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишини режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш кўникмаларига эга бўлиши;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда социологик концепциялар тамоилларини қўллай билиши;
- бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича социологик, математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиши;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича социологик сўровлар ўтказишни таъминлаш, уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказишни ва таҳлилий ишларни бажаришни билиши;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича ижтимоий стратегик режаларни ишлаб чиқиш, социология соҳасида ечилаётган илмий муаммоларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишни билиш;
- ижтимоий вазиятларга таҳдид солувчи омилларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш малакасига эга бўлиш;
- меъёрий-хуқуқий хужжатларни социологик таҳлил ўтказишни билиш.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва фан дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб ўрганиш натижалари, ўқув даври, e-learning ва m-learning технологиялари, ижтимоий-иктисодий жараёнлар, таваккалчилик, рақобат, рақобатбардошлик, иктисодиёт тармоқлари ва соҳалари, хуқуқ-тартибот, эксперт хизмати, баҳолаш, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, иктисодий хавфсизлик, экспертиза, иктисодий жиноятлар, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни, маҳсус фанларни ўқитиши методикаси, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, фан ишчи дастурлари, замонавий ўлчов асбоблари, илмий тадқиқотларни ташкил қилиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария.

КЕЛИШУВ ВАРАГИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Ўзбекистон Миллий университети


Ректор  И.Маджидов

202 йил « 20 » 08



КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
хузурида Олий таълим министри
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни таҳсил этиш маркази


Директор  М.Эсонов
202 йил « 20 » 08
М.У.

“Ижтимоий фикр” Республика
жамоатчилик фикрини ўрганиш
маркази

Директор  Н.Рахимова
202 йил « 25 » 08



Ўзбекистон нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси

Раис  К.Ишанходжаев
202 йил « 23 » 08
М.У.



Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
60311000 – Социология таълим йўналиши ва 70311001 - Социология (йўналишлар бўйича) ҳамда 70311002 - Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик хавфсизлиги магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўкув режаларини ишлаб чиқувчилар, турдош олий таълим муассасалари ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида

КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш.

“ ” 2021 йил

Биз, кўйида имзо чекувчилар - “Ижтимоий фикр” Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори Н.Рахимова, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси К.Ишанходжаев ва Ўзбекистон Миллий университети ректори И.Маджидов билан биргаликда ЎзМУда ишлаб чиқилган қўйидаги бакалавриат таълим йўналиши ҳамда магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўкув режалари мазмуни билан танишиб чиқиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

- 1. 60311000 – Социология бакалавриат таълим йўналиши;**
- 2. 70311001 - Социология (йўналишлар бўйича);**
- 3. 70311002 - Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик хавфсизлиги магистратура мутахассисликлари.**

Малака талаблари ҳамда ўкув режаларни ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон, 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юкори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июндаги “2021/2022 Ўкув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-5157-сон Қарорларига ҳамда олий таълим соҳасини тартиба солувчи бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатлар, шунингдек, халқаро талабларга асосланган.

Мазкур малака талаблари ва ўкув режаларининг ишлаб чиқилишида асосий кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар ҳам инобатга олинган.

Таълим йўналиши бўйича малака талаблари ўкув режалар ва фан дастурлари ҳамда бошқа ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўкув режаларни ўрнатилган тартибда тасдиқка тавсия этиш мумкин.

“Ижтимоий фикр” Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси

Ўзбекистон Миллий университети ректори

Н.Рахимова

К.Ишанходжаев

И.Маджидов

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида тайёрланган 60311000 - Социология бакалавриат таълим йўналиши ва 70311001 - Социология (йўналишлар бўйича) ҳамда 70311002 - Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психолигик хавфсизлиги магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларига

ТАҚРИЗ

Жамиятимиз томонидан социолог кадрлар тайёрлашга бўлган талабнинг ўсиб бораётганилиги уларнинг тайёрлаш жараёни учун зарур меъёрий ҳужжатларнинг даврга мос ҳамда янги замонавий талаблар асосида тайёрлашни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида бўлажак касб эгасининг профессионал тайёргарлигининг асоси бўлиб хизмат қиласди. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида тайёрланган 60311000 - Социология таълим йўналишини ва 70311001 - Социология (йўналишлар бўйича) ҳамда 70311002 - Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психолигик хавфсизлиги магистратура мутахассисларини тайёрлаш бўйича малака талабларининг мазкур варианти олдинги ўтган даврда амалиётга қўлланилган шаклларидан етарли даражада фарқ қилиши билан ажралиб турибди. Мазкур тайёрланган малака талабларининг тузилиши ва унинг мазмунини белгиловчи бандларнинг ҳар бирида мутахассислар тайёрлашнинг зарурий мазмуни ва амалий жиҳатлари ўз аксини топганлигини гувоҳи бўлиш мумкин.

Малака талабларининг ҳар бир банди мутахассислик тайёрлаш жараёни ва унинг келажакда мутахассис сифатида ишлашини таъминлашга йўналтирилган фаолият соҳалари, фаолият объектлари, тайёрлаш жараёнининг вақт меъёрлари, таълим жараёни билан мутахассис сифатида фаолият олиб бориш учун зарур билим, кўникма ва малака талаблари аниқ мезонлар орқали таҳлил этилишига эътибор қаратилган.

Малакавий талабларда мутахассислар тайёрлаш жараёнини ишлаб чиқариш, илмий ва илмий-тадқиқот, ижодий-изланувчанлик фаолияти, ОЎМКХТ, ташкилий бошқарув тизими амалга ошириши мумкин бўлган фаолият мезонлари ҳамда фаолият йўналишлари, шунингдек, ҳар бир фаолият йўналишига мос билим, кўникма ва малака ҳамда қобилиятларнинг муҳимлиги мужассамлаштирилган. Малакавий талабларнинг бакалаврлар тайёрлаш жараёни учун зарур ўқув фанлари (курслар) блоки учун ажратилган фанларнинг изчиллигига алоҳида эътибор қаратилган. Ҳар бир фан блоклари мазмунига қўйиладиган талаблар ҳам мезонлар билан белгиланган. Тайёрланган малака талабларида танлов фанларининг мажбурий фанлари учун алоҳида қўйилиши ҳам малака талабларига қўйилган талабларнинг ўзгарганлигидан далолат беради.

Социология йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш учун ишлаб чиқилган малака талаблари замонга мос, таълим жараёни билан ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро боғликларни инобатга олган, мутахассис фаолияти учун зарур назарий билимлар ва амалий малакалар, мутахассислик қобилият мезонлари аниқ ишлаб чиқилган.

Мазкур малака талаблари ва ўқув режалар 60311000 - Социология бакалавриатура негизидаги кадрлар тайёрлаш жараёнига татбиқ этишга тўла мос келади.

60311000 - Социология бакалавриат 70311001 - Социология (йўналишлар бўйича) ҳамда 70311002 - Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психолигик хавфсизлиги магистратура мутахассислари учун ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режалар ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илгор технологияларни татбиқ этиш марказида ташвиш этиш мумкин.

**“Ижтимоий фикр” Республика жамоатчилик
фикрини ўрганиш маркази директори,
профессор**



Н.Рахимова

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида тайёрланган 60311000 - Социология бакалавриат таълим йўналиши ва 70311001 - Социология (йўналишлар бўйича) ҳамда 70311002 - Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик хавфсизлиги магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўкув режаларига

ТАҚРИЗ

60311000 - Социология бакалавриат таълим йўналиши ва 70311001 - Социология (йўналишлар бўйича) ҳамда 70311002 - Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик хавфсизлиги магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўкув режалари ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасидаги ижтимоий соҳанинг долзарб муаммоларини ҳал этишга қаратилган эмпирик тадқиқотлар ўtkазиш бўйича статистик маълумотлар билан ишлаш бўйича ва олинган маълумотларни тахлил қилиш бўйича тайёрланадиган кадрларни бозор коњюктурасига мос равишда ракобатбардош кўринишга эга бўлган ижтимоий соҳа мутахассисларни тайёрлашга қаратилган меъёрий хужжат хисобланади.

Бугунги кунда республикамизнинг барча тизимларида базавий олий маълумотли малакали ижтимоий сўровлар ўтказувчи ва уларни тахлилини амалга оширувчи мутахассисларни етишмаслиги, мамлакатимизнинг шу охирги йилларда кечираётган ташвишли эпидемиологик ва табиий техноген муаммолар устида олиб борган ишлари юзасидан ўз аксини кўрсатганлиги бунга яққол намуна бўла олади. Ўзбекистонда ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш бўйича шакллантирилган ўл хариталарида келтириб ўтилган чора тадбирларда айнан ижтимоий сўровлар кўламини оширишни талаб этмоқда. Бу эса ўз навбатида мазкур мутахассислар тайёрлашдаги таълим стандартларини янада такомиллаштиришни тақазо этмоқда. Такриз этилаётган 60311000 - Социология бакалавриат таълим йўналиши ва 70311001 - Социология (йўналишлар бўйича) ҳамда 70311002 - Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик хавфсизлиги магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўкув режалари таркибига социолог мутахассисларини тайёрлаш учун зарур бўлган билим ва малакаларни қамраб оловчи фанлар киритилган.

60311000 - Социология бакалавриат таълим йўналиши ва 70311001 - Социология (йўналишлар бўйича) ҳамда 70311002 - Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик хавфсизлиги магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўкув режаларининг мазмунини ва таркибини тахлил этиш, уни ишлаб чиқишида жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари социология соҳасида кадрларни тайёрлашни бой тажрибаси ўрганилганлиги ва мамлакатимизда мутасадди истеъмолчи, буюртмачи ташкилотларни шу соҳада кадрларга бўлган ўсиб ва ўзгариб бораётган талаблари эътиборга олинган.

60311000 - Социология бакалавриат таълим йўналиши ва 70311001 - Социология (йўналишлар бўйича) ҳамда 70311002 - Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик хавфсизлиги магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўкув режалари бугунги кунда олий таълим соҳасини ислоҳ этиш устувор йўналишлари ва талабларига жавоб беради ҳамда тасдиқлашга тавсия этиш мумкин.

**Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари
миллий ассоциацияси раиси**

К.Ишанходжаев



Илова

**70311001 - Социология (йўналишлар бўйича) магистратура мутахассислиги бўйича
таълим дастурининг тузилиши**

T/p	Фаннинг малакавий коди	Ўқув фанлари ва илмий фаолият турларининг номи	Умумий юкламанинг ҳажми
1.00		Мажбурий фанлар	510
1.01	MFSB1102	Илмий тадқиқот методологияси	60
1.02	MSYB1205	Социологияда тизимли ёндашув	150
1.03	MSYB1305	Замонавий социологик назариялар ва мактаблар	150
1.04	MSYB1405	Социологик тадқиқотларни лойиҳалаш концепциялари	150
2.00		Танлов фанлари	750
		Жами:	1260
3.00		Илмий фаолият	2040
3.01		Илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш ҳамда ҳимоя қилиш	900
3.02		Илмий семинар	240
3.03		Илмий-педагогик иш	360
		Илмий амалиёт (тажриба ортириш)	540
		ЖАМИ:	3300
4.00		Давлат аттестацияси	300
		ҲАММАСИ:	3600

Ўқув ишлари бўйича проректор

Ш.Тошматов



**70311001 - Социология (йўналишлар бўйича) магистратура мутахассислиги бўйича
давлат таълим стандартининг халкаро миқёсидаги боникा таълим стандартлари билан қиёсий
такъослаш**

Магистратурада таълим жараёнинг умумий кўрсаткичлари

№	Таълим жараёни	Ўзбекистон Республикаси (магистратура)	Россия (магистратура)	АҚШ (магистратура)
1.	Бошланиши	4 йил бакалавриатдан сўнг	4 йил бакалавриатдан сўнг	4 йил бакалавриатдан сўнг
2.	Давомийлиги	2 йил	2 йил	2 йил
3.	Таълим олувчилик сони	1-6	4 ва ундан ортиқ	1-10
4.	Ўтиш жойлари	Олий таълим муассасаларида	Олий таълим муассасаларида	Колумбия университети
5.	Таълим берувчилик	Магистратура таълим дастурини амалга оширишда ўқитилаётган фан бўйича таянч маълумотга, билимга, малака ва кўникмага эга бўлган юқори малакали ўқитувчилар (магистр ёки дипломли мутахассис), фан номзоди ва доцентлар, фан доктори ва профессорлар, шунингдек тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилар жалб этилиши керак.	Магистратура таълим дастурини амалга оширишда ўқитилаётган фан бўйича таянч маълумотга, билимга, малака ва кўникмага эга бўлган юқори малакали фан номзоди ва доцентлар, фан доктори ва профессорлар.	Магистратура таълим дастурини амалга оширишда ўқитилаётган фан бўйича таянч маълумотга, билимга, малака ва кўникмага эга бўлган юқори малакали ўқитувчилар (магистр ёки дипломли мутахассис), фан доктори ва профессорлар, шунингдек тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилар жалб этилиши керак.
6.	Таълим жараёнини кузатиш ва назорат килиши	Куйидаги тартибда амалга оширилади: Магистратура бўлими деканат ва кафедра	Куйидаги тартибда амалга оширилади: Магистратура бўлими деканат ва кафедра	Куйидаги тартибда амалга оширилади: Магистратура бўлими томонидан

Магистратурада таълим жараёнинг таркиби

№	Таълим жараёни	Ўзбекистон Республикаси (магистратура)	Россия (магистратура)	АҚШ (магистратура)
1.	Назарий таълим	Асосий қисми маъзуза, илмий семинар ва конференциялар кўринишида ўтказилади.	Асосий қисми маъзуза, илмий семинар ва конференциялар кўринишида ўтказилади.	Асосий қисми амалий ва илмий семинар кўринишида ўтказилади.
2.	Амалий таълим	Ўқув дастурида кўрсатилган амалий машғулотлар ва лаборатория машғулотлари кўринишида ўтказилади.	Ўқув дастурида кўрсатилган амалий машғулотлар ва лаборатория машғулотлари кўринишида ўтказилади.	Ўқув дастурида кўрсатилган амалий машғулотлар ва лаборатория

				машғулотлари хамда амалиёт масканларида амалий дарслар күринишида үтказилади.
3.	Илмий тадқиқот ишлари	Магистратурада таълим олувчилар танлаган мавзуси бўйича диссертация ишини асосан мустакил равишда шартнома тузилган объектлар билан амалга оширади. Кафедра профессор-үқитувчилари (маслаҳатчи) илмий раҳбар этиб тайинланади. Илмий изланиш давомида илмий мақолалар, тезислар ёзиш, республика ва ҳалқаро илмий анджеуманларда иштрок этиш ва маъруза қилиш билан шуғулланадилар. Бундан ташкари магистрантлар таълим жараёнида илмий-педагогик ишни ҳам олиб борадилар.	Магистратура ўкиш жараёнида илмий иш мавзуси кейинги босқичда докторлик илмий ишига асос сифатида танланади ва мустакил илмий изланиш күринишида амалга оширилади. Магистратура ўкиш жараёнида илмий раҳбар танланади.	Мустакил илмий-иши мавзуси кафедра илмий проекти таркибига киритилган бўлади ва университет профессор-үқитувчи ёки илмий раҳбар раҳбарлик қиласи. Илмий иш давомида магистрант рефератлар тақдим қилиши, конференцияларда иштрок қилиши ва илмий иш мавзуси бўйича журналга макола ёзиши мумкин.
4.	Мустакил таълим	Магистрантлар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича асосий мустакил таълимни кутубхоналар ва интернет тармоқлари орқали керакли маълумотларни топиб, улардан фойдаланган холда ўз билимларини оширишлари мумкин.	Магистрлар мустакил таълимдан белгиланмаган холда фойдаланадилар.	Магистр университет қошидаги кафедраларида мослаштирилган барча шарт-шароитлардан кенг фойдаланишлари мумкин.
5.	Таълим жараёнида баҳолаш	Магистрантларнинг назарий ва амалий кўникмалар, илмий-тадқиқот ишлари бўйича билимларини баҳолаш магистратура рейтинг тизими асосида жорий, оралиқ, якуний баҳо күринишида ва ҳар ярим йиллик ва йиллик аттестация күринишида амалга оширилади. Якуний давлат имтиҳон саволлари оғзаки, тест күринишида ва амалий кўникмаларни намойиш этиш күринишида талаб қилинади.	Магистрантларнинг назарий ва амалий кўникмалар, илмий-тадқиқот ишлари бўйича билимларини баҳолаш магистратура ҳар ярим йиллик ва йиллик аттестация күринишида амалга оширилади. Якуний давлат имтиҳон саволлари оғзаки, тест күринишида ва амалий кўникмаларни намойиш этиш күринишида талаб қилинади.	Магистрларнинг назарий билимлари тест саволлари орқали баҳоланади. Амалий кўникмалари ҳар ойда ва ярим йиллиқда цикл давомида кузатиш ҳамда мустакил намойиш этиш орқали баҳоланади. Якуний давлат имтиҳон ёзма тест күринишида амалга оширилади.

Магистратурада таълим жараёнинг мазмуни ва давомийлиги

Ўзбекистон Республикаси (магистратура)	Муддати	Россия (магистратура)	Муддати	АҚШ (магистратура)	Муддати
<p>1. Илмий тадқиқот методологияси</p> <p>2. Социологияда тизимли ёндашув</p> <p>3. Замонавий социологик назариялар ва мактаблар</p> <p>4. Социологик тадқиқотларни лойихалаш концепциялари</p> <p>5. Танлов фанлари</p>	<p>5 ой</p> <p>5 ой</p> <p>5 ой</p> <p>5 ой</p> <p>10 ой</p>	<p>1. Современные проблемы социологии</p> <p>2. История и методология социологии</p> <p>3. Современные социологические теории и школы</p> <p>4. Методика преподавания социологии</p> <p>5. Современные методы социологических исследований</p> <p>6. Вариативная часть дисциплины по выбору</p>	<p>5 ой</p> <p>5 ой</p> <p>5 ой</p> <p>5 ой</p> <p>10 ой</p>	<p>1. Классическая теория</p> <p>2. Качественные методы</p> <p>3. Современная теория</p> <p>4. Вариативная часть дисциплины по выбору</p>	<p>6 ой</p> <p>6 ой</p> <p>6 ой</p> <p>10 ой</p>

Изоҳ: Юқоридаги маълумотларга асосан шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда яратилаётган Социология (йўналишлар бўйича) магистратура мутахассислиги давлат таълим стандарти жаҳон андозаларига мос равишда бўлиб, бошқа давлатларнинг таълим дастурларига ўхшаш томонлари ҳамда ўзига ҳос хусусиятлари билан ажralиб туради.